

ACCOUNTING OF COLLATERAL IN REPAYMENT OF PROBLEM LOANS IN COMMERCIAL BANKS

The article explores the role of collateral in repayment of problem loans in commercial banks and the process of collateral accounting.

Keywords: commercial bank, credit, problem loans, pledge, collateral, account, accounting, accounting entry.

While lending has been actively developing in recent years, the repayment of loans in a timely manner is crucial. Overdue credit represents systematic credit risk. The bank's credit is transferred to problem loans, which in turn affects the bank's liquidity, profitability, and bank resources. One of the last steps to reduce problem loans is to recover the guarantees and sureties, and to repay them through the sale of collateral.

Collateral is used as a secondary source and guarantor of credit repayment, the most important thing is that the value of the collateral should be consistent with the amount of extended loan and its use cost .

In considering this issue, the proper organization of the collateral accounting process in accounting is important today.

Assessment of collateral, its use in lending, the use of it in repayment of problem loans, and some aspects of the reflection of collateral in accounting have been in the spotlight of local and foreign scholars.

Problems with collateral in commercial banks' arise when credit is considered as a problem loan . When it comes to repayment of collateral, it is important to distribute the proceeds, and if not sold, the bank will include the property on its balance sheet and properly reflect it in accounting.

As far as we know, collateral performs a number of functions in bank loan security: - Provides repayment of loans issued by the bank; - encourages repayment of loans; - Reduces credit risk; - impact on the creation of reserves for possible loan losses.

These functions are reflected to some extent in the regulations and they affect the repayment of the loan.

Assessment and recording of collateral in accounting has an impact on financial statements. Therefore, commercial banks should consider the following conditions for proper assessment and accounting of collateral: - reliable assessment of collateral; - taking into account legal aspects in the assessment of collateral; - adoption of specific measures to control the security of collateral.

As the collateral is not directly owned by the bank when it is accepted, they are recorded in off-balance sheet accounts. The following accounts are used: 94501 - Securities acquired as collateral, 94502 - Property and property rights (claims) acquired as collateral, 94503 - Guarantees acquired as collateral. These accounts are active accounts. 96381 is a counter-account for securities, property and property rights (claims), guarantees acquired as collateral.

Off-balance sheet accounts that provide collateral are debited when debt on Securities, Property and Property Rights is closed and the loan is repaid.

When collateral is considered as the last resort to repay a problem loan, it is used to charge interest accrued on a problem loan and overdue loans.

Today, commercial banks resort to litigation when they focus on types of security in loan repayment. According to the court decision, bail is used. This will have an impact on accounting for collateral.

Loans transferred to trial 15700 - Credits and leases in litigation as part of the G/L account, 15701 - Loans to Legal Entities, 15703 - Loans to Legal Persons, 15705 - The deposit of the pledged property into the bank's balance sheet shall be made directly by the decision of the Credit Committee. It is also desirable to determine the use of this property. The bank may transfer the property into its fixed assets, sell it, lease it, lend it. In this case, the commercial bank will need special software to access and record property information.

In our opinion, this issue will be solved by the module on the account of the property borrowed by the bank as collateral on the balance of the bank.

This module is like a credit subsystem, that is, there will be a card for each property. This card shall include the following basic details: bank code, branch name, description of property (name), year of manufacture (construction), state registration (certificate) number, date of issue of certificate, property value, balance sheet date, basis for booking (Branch). or the date of the decision of the Credit Committee of the General Bank, the basis of the balance (the branch or the decision of the Credit Committee of the General Bank), the name of the executive branch, the date of the execution list, the execution sheet number, the waiver agreement number.

The use of this module allows the bank to maintain accurate and high-quality records and constant control of the property owed by customers.

Тошпулатов Д.А. – ТМИ мустақил изланувчisi

БАНКЛАРИДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИ ҚОПЛАШДА ГАРОВ ТАЪМИНОТИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Мақолада тижорат банклари муаммоли кредитларни қоплашда гаров таъминотининг аҳамияти, гаров таъминотини ҳисобга олиш жараёни ўрганилган.

Таянч сўзлар: тижорат банки, кредит, муаммоли кредит, гаров, гаров таъминоти, ҳисобварақ, бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ўтказмаси.

УЧЁТ ЗАЛОГОВОЙ ОБЕСПЕЧЕНИИ В ПОГАШЕНИИ ПРОБЛЕМНЫХ КРЕДИТОВ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

В статье исследуется роль залогового обеспечения в погашении проблемных кредитов коммерческих банков, и процесс учета залогового обеспечения.

Ключевые слова: коммерческий банк, кредит, проблемный кредит, залог, обеспечение, счёт, бухгалтерский учёт, бухгалтерская проводка.

Кириш

Банк кредитлари қарз олувчиларни ташқи молиялаштиришда муҳим рол ўйнайди[1]. Сўнгги йилларда кредитлаш фаол ривожланаётган бир пайтда, кредитлар ва улар бўйича фоизларнинг тижорат банкларига ўз вақтида қайтиб келиши жуда муҳим ҳисобланади. Ўз вақтида қайтарилимаган кредит тизимли кредит рискини келтириб чиқаради. Банк берган кредит муаммоли кредитга ўтади, бу ўз навбатида банк ликвидлигига, даромадлилигига, банк ресурсларига таъсир кўрсатади. Муаммоли кредитларни камайтириш сўнгги чораларидан бири олинган кафолатлар ва кафилликлар бўйича тўловларни ундириш, гаровга олинган мол мулкни сотиш ҳисобига уларни қоплаш ҳисобланади.

Гаров билан таъминланган кредиторлар талабларини кредит маблағлари қайтарилишининг кафолати ҳисобланган гаровдаги мол-мулк қийматидан қондириш тизимининг самарасизлиги қўшимча маблағ жалб этиш имкониятига салбий таъсир кўрсатмоқда[2].

Гаров таъминоти кредитни қоплашнинг иккиласи манбаси ва кафолати сифатида ишлатилади, асосийси гаров қиймати берилган маблағлар микдори ва улардан фойдаланиш харажатлари билан бир-бирига мос келиши лозим.

Шуни ҳисобга олган ҳолда гаров таъминотини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш жараёни тўғри ташкил этиш хозирги кунда муҳим масалалардан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Гаров таъминотини баҳолаш, уни кредитлаш жараёнида фойдаланиш, муаммоли кредитларни қоплашда фойдаланиш, бухгалтерия ҳисобида акс

эттириш жараёнининг айрим жиҳатлари махаллий ва хорижий олимлар диққат марказида бўлган.

Гаров таъминоти билан боғлиқ рискларни таваккалчиликларни аниқлаш Марказий банк учун, айниқса, охирги чора кредитори ролида муҳим аҳамиятга эга[3]. Албатта, Марказий банк банк тизимининг қуи пофонаси ҳисобланган тижорат банклари фаолиятини барқарорлигини, аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектлар ишончини йўқотмаслик учун банкларга гаров таъминотини баҳолаш, уни ҳисобга олиш учун меъёрий хужжатларни жорий этиши лозим.

Гаров воситаларидан фойдаланиш қарз берувчи ва қарз оловчи муносабатларига янги хавотирларни туғдирди, уларнинг дефолт рискига якуний таъсири аниқ белгиланмаганлигидир[4]. Агар банкдан кредит олган мижоз кредитни ўз вақтида қайтара олмаса гаровга қўйган таъминотдан маҳрум бўлиши мумкин, ўз навбатида тижорат банклари учун кредит риски ошиб кетади.

Банк томонидан берилган кредит рискининг хавфсиз даражасини таъминлаш мақсадида кредит оловчи жисмоний ёки юридик шахс турли шаклдаги мол-мулкларни гаров таъминоти сифатида банкларга тақдим этади. Умумий ҳолда банк кредити бўйича гаров таъминотини баҳолаш жараёнида учта томон иштирок этади ва улар банк, баҳоловчи ташкилотлари ва кредит оловчилардир[5]. Бу жараёнда гаров таъминоти асосан дастлаб кредит бериш жараёнида қараб чиқилади.

Банкларнинг гаров таъминоти билан боғлиқ муаммолар хозирги кунда барча замонавий иқтисодий тизимларда мавжуд[6]. Тижорат банкларида гаров билан боғлиқ муаммолар кредит муаммоли деб тан олинганда бошланади. Гаров таъминоти ҳисобидан қарздорликни қоплаш масаласида уни сотиш жараёни, келиб тушган маблағни тақсимлаш, сотилмаса банк мулкни ўз балансига кирим қилиши ҳамда бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш муҳимдир.

Бизга маълумки гаров банк кредити таъминотида бир қанча вазифаларни бажаради: - банк берган кредитларнинг қайтишини таъминлайди; - кредитларнинг қайтарилишини рағбатлантиради; - кредит рискини камайтиради; - кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар бўйича захиралар яратишга таъсир кўрсатиши.

Ушбу вазифаларни қайсиdir даражада меъёрий хужжатларда ўз аксини топган бўлиб, кредитни қайтаришда ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Гаров таъминоти ҳисобидан кредитни қоплаш жараёнини ҳисобга олиш илмий нашрларда деярли ўз аксини топмаган. Асосан бевосита гаровнинг ўзини ҳисобга олиниши баён этилган[7]. Лекин Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 17 декабрдаги “Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги 1435-сонли Низомда гаров ҳисобидан қопланган кредитни ва фоизларни ҳисобга олиш тартиби берилган.

Тадқиқот методологияси

Мақолада илмий мушоҳада, гурухлаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, статистик гурухлаш усулларидан фойдаланилди. Шунингдек, иқтисодчи олимларнинг кредит таъминоти ва уни ҳисобга олишни такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинганд.

Таҳлил ва натижалар

Бухгалтерия ҳисобида гаров таъминоти баҳоланиши ва ҳисобга олиниши молиявий ҳисботга ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун тижорат банклари гаров таъминотини тўғри баҳолаш ва ҳисобга олиш учун қуйидаги шартларни инобатга олиш керак: - гаров таъминотининг ишончли баҳоланиши; - гаров таъминотини баҳолашда хуқуқий жиҳатларини ҳисобга олиш; - гаров таъминотининг ҳолатини назорат қилувчи аниқ чора-тадбирларнинг қабул қилиниши.

1-жадвал

АТБ Ўзсаноатқурилишбанкнинг кредит ва лизинг бўйича гаров таъминоти тўғрисида маълумот[8]*, % да

№	Иқтисодиёт тармоклари бўйича таъминот турлари	Таъминот турлари жами	шу жумладан												
			Депозитлар	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кафолатланган	Транспорт воситалари	Инвентарь	Кўчмас мулк	Асбоб-ускуналар	Облигациялар	Акционар	Учинчи шахс кафолати	Учинчи шахс кафиллиги	Суғурта полиси	Таъминланмаган	Бошқа таъминот турлари
1	Жисмоний шахслар	6,1	0	0	1,1	0	2,9	0	0	0	0	1,9	0,2	0	0
2	Давлат корхоналари	72	0	47,3	0	0,1	5,9	6,1	0	2,1	0	10,2	0	0	0,3
3	Чет эл капитали иштироқидаги корхоналар	5,7	0	0	0	0,2	4,1	0,8	0	0	0	0,5	0,1	0	0
4	Хусусий корхоналар	14,7	0,1	0	0,6	0,1	9,3	0,4	0	0	0	3,9	0,2	0	0,1
5	Фермер хўжаликлари	0,6	0	0	0	0	0,6	0	0	0	0	0	0	0	0
6	Бошқа банклар	0,1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0,1
7	Марказий банк	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
8	Хукумат	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
9	Нобанк кредит ташкилотлари	0,1	0	0	0,1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
10	Нодавлат нотижорат ташкилотлар	0,5	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0,2	0,3	0	0
11	Бюджет ташкилотлари	0,2	0,2	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
12	Бошқалар	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
13	Жами кредит ва лизинг бўйича таъминот	100	0,3	47,3	1,8	0,4	22,8	7,3	0	2,1	0	16,7	0,8	0	0,5

* муаллиф томонидан тузилди

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, банкда берилган кредит ва лизинг бўйича таъминот турлари бўйича гаров таъминоти таркибида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати, кўчмас мулк ва учинчи шахс кафиллиги каби таъминот турларининг улуши катта. Банкда гаров таъминоти сифатида облигациялар, учинчи шахс кафолатидан умуман фойдаланилмаган.

Гаров таъминоти қабул қилинганда банкнинг бевосита мулки бўлмаганлиги сабабли, улар балансдан ташқари ҳисобваракларда ҳисобга олинади. Бунда қуйидаги ҳисобвараклардан фойдаланилади: 94501 - Гаров сифатида олинган қимматли қофозлар, 94502 - Гаров сифатида олинган мулклар ва мулкий ҳукуқ(талаб)лар, 94503 - Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар. Ушбу ҳисобвараклар актив ҳисобварак ҳисобланади. Уларга конт ҳисобварак бўлиб, 96381 - Гаров сифатида қимматли қофозлар, мулклар ва мулкий ҳукуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобваракдир.

Гаров таъминотини ҳисобга оловчи балансдан ташқари ҳисобваракларда қимматли қофозлар, мулклар ва мулкий ҳукуқ(талаб)лар қарздорлик ёпилганга, унинг ҳисобидан кредит қопланганда ҳисобдан чиқарилади.

Гаров таъминоти муаммоли кредитни қоплашнинг сўнгги чораси сифатида қаралганда, ундан фойдаланиб муаммоли кредит, ўз вақтида тўланмаган кредит бўйича ҳисобланган фоиз суммаси ундирилади.

Хозирги кунда тижорат банклари муаммоли кредитни қоплашни таъминот турига қаратганда судга мурожат қиласи. Суд қарорига асосан гаров таъминотидан фойдаланилади. Бу эса гаров таъминотини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга ўз таъсир кўрсатади.

Суд жараёнига ўтказилган кредитлар 15700 - Суд жараёнидаги кредитлар ва лизинг биринчи тартибли ҳисобварак таркибидаги, 15701 - Суд жараёнидаги юридик шахсларга берилган кредитлар, 15703 - Суд жараёнидаги жисмоний шахсларга берилган кредитлар, 15705 - Суд жараёнидаги лизинг иккинчи таркибли ҳисобваракларда ҳисобга олинади. Яъни:

Дебет 15700 - Суд жараёнидаги кредитлар ва лизинг

Кредит тегишли кредит ҳисобвараклари бухгалтерия ўтказмалари бажарилади.

Гаровга оловчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган тақдирда ёки лозим даражада бажармаганда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши мумкин[9].

Суд қарорига асосан кредит гаров таъминоти ҳисобидан қопланиши белгиланса, электрон онлайн-аукцион шаклидаги очик кимошиб савдосида сотиш орқали амалга оширилади.

Электрон онлайн-аукционда мол-мулк сотилса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан расмийлаштирилади:

Дебет гаров таъминотини харид қилинган субъектнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараги

Кредит 20208 электрон онлайн-аукционнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараги

Электрон онлайн-аукцион мол-мулк суммасидан кредит мажбурият суммасини тижорат банкига ўтказиб беради:

Дебет 20208 электрон онлайн-аукционнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараги

Кредит 29801 Мижозлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобвараги

Банк келиб тушган сүммани кредит ва унинг фоизини қоплади:

Дебет 29801 Мижозлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобварағи

Кредит тегишли кредит ва фоиз ҳисобварағлари

Мана шу ҳолатда агар тијорат банкининг ўзи мол-мулкни сотиб олса маблағлар 19925 - Олдиндан тўланган харажатлар ҳисобварағидан амалга оширилади. Ушбу ҳисобварақ 16701 - Кредит ва лизинг бўйича гаров ҳисобидан ундирилган мулк ва 16703 - Кредит ва лизинг бўйича ундирилган тутатилаётган банкрот корхоналар мулки ҳисобварақларга ўтказилади.

Шу билан бирга олинган кредит гаровга олинган мол-мулкни ўз эгалигига олиш йўли билан қайтарилилган тақдирда, кредитнинг баланс қийматидан ва гаровга қўйилган мол-мулкнинг ҳаққоний қийматидан қайси бири энг кам бўлса, ўша қиймат бўйича, уни сотиш бўйича қилинган харажатларни чегирган ҳолда, лекин қайта савдодаги дастлабки сотув баҳосидан 10% кам бўлмаган сүммада қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 16701 – “Кредит ва лизинг бўйича гаров ҳисобидан ундирилган мулк”

Кредит – кредит ҳисобварағи [10]

Хулоса ва таклифлар

Гаровга олинган мол-мулкни банк балансига кирим қилиш бевосита кредит қўмитасининг қарори асосида амалга оширилиши керак. Ушбу мол-мулкдан фойдаланишни ҳам белгилаб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мол-мулкни банк ўзинг асосий воситалари таркибига ўтказиши, сотиши, лизингга бериши, кредит сифатида бериши мумкин. Бундай холатда мол-мулк тўғрисида маълумотга эга бўлиш, унинг ҳисобини юритиш учун тијорат банкига маҳсус дастурий таъминотга эҳтиёж пайдо бўлади.

Фикримизча, ушбу масалани банк балансига кредит карздорлиги эвазига олинган мол-мулкларни ҳисобини юритиш бўйича модул ҳал қиласи.

Ушбу модул кредит подсистемаси каби бўлади, яъни хар бир мулк бўйича карточка юритилади. Ушбу карточкада қуйидаги асосий реквизитлар акс эттирилади: банк коди, филиал номи, мулк тавсифи (номи), ишлаб чиқарилган (қурилган) йили, давлат рўйхат (гувоҳнома) рақами, гувоҳнома берилган сана, мулк қиймати, балансга олинган сана, балансга олинишига асос (Филиал ёки Баш Банк кредит қўмитаси қарори санаси), балансга олинишига асос (Филиал ёки Баш Банк кредит қўмитаси қарори номери), ижро бўлими номи, ижро варағи санаси, ижро варағи рақами, воз кечиш тўғрисидаги келишув санаси, воз кечиш тўғрисидаги келишув рақами.

Шунингдек, агар мулк ҳақини бўлиб тулаш шарти билан сотилган бўлса, унда қуйидаги қўшимча реквизитлар акс эттирилади: харидорга сотилган мулк тавсифи, шартнома санаси, сўндиришнинг сўнгги санаси, шартнома номери, гаров билан таъминланганлиги, олдиндан тўлов миқдори, имтиёзли ойлар сони.

Худди кредит подсистемаси каби қўшимча фоиз ставкаси, ҳисобварақлар, таъминот, графиклар, операциялар, ҳисботлар, мулк хужжатлари каби панеллар бўлиши лозим.

Фоиз ставкаси панелида: асосий фоиз ставкаси, асосий қарзни муддатини ўтказиб юборганлик учун фоиз, ўз вақтида фоизларни сўндиримаганлик учун пеня.

Ҳисобвақлар панелида: кредитлар бўйича ундирилган мулк ҳисобвараги, кредитлар бўйича ундирилган, лекин хақини бўлиб тўлаш шарти билан сотилган мулк ҳисобвараги, сотилган мулк учун келиб тушган маблағ ҳисобвараги, асосий фоизларни ҳисоблаш ҳисобвараги, асосий фоизлар бўйича даромад ҳисобвараги, асосий қарзни муддатини ўтказиб юборганлик учун фоиз ҳисобвараги, асосий қарзни муддатини ўтказиб юборганлик учун даромад ҳисобвараги, ўз вақтида фоизларни сўндиримаганлик учун пеня ҳисобвараги, ўз вақтида фоизларни сўндиримаганлик учун даромад ҳисобвараги, яратилган захира ҳисобвараги, захира учун харажат ҳисобвараги.

Таъминот панелида: кредит подсистемаси каби таъминотлар (қўчмас мулк, транспорт, депозит, ускуналар, таъминотсиз кабилар) қўшилади. Графиклар панелида: асосий қарзни сўндириш графиги, фоизларни сўндириш графиги.

Операциялар панелида: фоизларни (асосий, юкори ва пеня) ҳисоблаш, фоизларни (асосий, юкори ва пеня) ундириш, сотилган ҳисобварака ўтказиш (бундан масалан 16701 х/в дан 16707 х/в.қа ўтказилади), сотилган ҳисобваракдан сотилмаган ҳисобваракқа ўтказиш (бундан масалан 16707 х/в дан 16701 х/в.қа ўтказилади), сотилган мулкни тўлиқ сўндириш, мулк бўйича захира яратиш. Хисботлар панелида: мулк бўйича умумий маълумот, фоизларни ҳисобланиши. Иловага мувофиқ жамланма ҳисбот.

Мулк ҳужжатлари панелида: кредит подсистемасидаги “Қарздорнинг ҳужжатлари” каби бўлиб, унда мулк хуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, кредит комиссияси протоколлари, мулкни сотиш бўйича шартнома, қайтариш графиги, таъминот ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар каби категориялар бўлиши лозим.

Ушбу модулдан фойдаланиш банк балансига мижозларнинг қарздорлиги эвазига олинган мол-мулкларни аниқ ва сифатли ҳисобини юритиш ва доимий назорат қилиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Yang Yang. Does high-quality auditing decrease the use of collateral? Analysis from the perspective of lenders' self-protection // China Journal of Accounting Research 7 (2014) 203–221 www.elsevier.com/locate/cjar

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 ноябрдаги “Кредиторларнинг хуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 4026-сон Қарори

3. Constantine Christofides, Ruth Gleeson, Allan Kearns and Rosanna Lynch Framework for enhanced modelling of collateralised lending // Procedia Economics and Finance 29 (2015) 183 – 194 www.elsevier.com/locate/procedia

4. José A. Castilloa, Andrés Mora-Valenciab, Javier Perotec. Moral hazard and default risk of SMEs with collateralized loans // Finance Research Letters 26 (2018) 95–99 www.elsevier.com/locate/frl

5. Абдикирович Д.Р. «Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш йўллари» PhD илмий даражаси олиш учун ёзган диссертация автореферати. –Т.: 2018, 61 бет.
6. Конференция «Управление залогами и проблемными активами: актуальные проблемы и тенденции» / Журнал “Имущественные отношения в РФ” № 5 (152) 2014 стр- 103
7. Бухгалтерский учёт в банках. Учебник. Умаров З.А., Муругова И.А., Бабаева Г.Я. - Т: Иқтисод-молия. 2018 г. - 554 с.
8. АТБ Ўзсаноатқурилишбанк ҳисобот маълумотлари
9. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги “Гаров тўғрисида”ги 614-I-сон Қонуни
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 17 декабрдаги “Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги 1435-сонли Низом